

МАЙ
ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБЛАР ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Мен ва менинг уйим					
Муддати		Майнинг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар		Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Бир қатор бўлиб колоннада юришни машқ қилиш, сакраш, копток билан ўйин машқларини такрорлаш, тор текисликда мувозанатни сақлаган ҳолда юриш, жуфт бўлиб юришни машқ қилиш, жойида туриб узунликка сакрш. Жароҳат олганда, касал бўлганда катталардан ёрдам сўраб мурожаат қилиш, лат еганда ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш кўникмасини шакллантириш. Мактабгача таълим муассасасида оддий хулқ-атвор қоидалари билан болаларни таништириб боришда давом этиш				
		Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз оиласи ва қариндошлик алоқаларига қизиқиш билдиради, ўзига яқин инсонларга мурожаат қилади ва улардан ёрдам сўрайди, ўз оила аъзоларига нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш (ҳис туйғуларни ҳосил қилиш)				
		Нутқ, мулоқат, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқни ривожлантириш, ўз уйини тасвирлаш, таянч сўзлар асосида гап тузиш, расмга қараб тасвирлаш ва ижодий сўзлаб бериш, бадий асарни эшита билиш ва мавзу юзасидан саволларга тўғри жавоб бериш, суҳбат жараёнида иштирок этиш ва унга ўз фикрини билдириш, тўғри товуш маданиятини шакллантириш				
		Билиш жараёнининг ривожланиши	Уйлар қурилиши ва тасвирига кўра хилма хиллиги, уй қисмларини билиш уларни номлай олиш малакаларини бериш, 5 гача бўлган санокда геометрик шакллар ва предметларнинг шакллари билан таққослашни машқ қилиш, геометрик шакллардан янги шакллар ҳосил қилиш				
		Ижодий ривожланиш	Ҳаракатларни аниқ бажариш, куйнинг рақсбоб, турли кайфиятни ифодаловчи мусикаларни тинглаш ва уларни фарқлаш, тўғри бурчакли шаклни тасвирлаб бериш, атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини расмда акс эттира олиш, ўзи чизган расмларини томоша қилиш, уларга нисбатан ўз муносабатини билдириш кўникма ва малакаларини шакллантириш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Қуриш-ясаш: Уйча				Иккиламчи материал, картон, қайчи, елим ва мавзу бўйича расмлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Оиламиз билан театрга борамиз” сюжетли-ролли ўйин				Керакли анжомлар	
	Тил ва нутқ	Суҳбат: Менинг уйим		“Ж” товуши талаффузи		Ўйинчоқ, китоб, бўёқ, мўйқалам, пластилин, “Ж” товушига мос предметли расмлар	
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: Қумнинг хусусиятлари				Қум, патнис, стакан, сув, идиш.	
	Санъат	Лой иши: Менинг уйим		Аппликация: Уй	Расм: Севимли уйим	Ҳар хил рангдаги пластилин, доска, ватман қоғози, елим, мўйқалам, қайчи, рангли қалам, салфетка, расм, АКТ	
	Умумий гуруҳ билан ишлаш						

МАЙ. БИРИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ УЙИМ

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Қуриш-ясаиш: Уйча

Мақсад: болалар қуриш-ясаишга қизиқиш билдирадидлар, қурилиш намуналарини таҳлил қиладидлар, геометрик шаклларни айта оладидлар, қурилиш материалларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланадидлар, фаолиятларини нутқ орқали тасвирлаб берадидлар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш materiali, юк машинаси, арчалар, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли архитектура иншоотлари тасвирланган суратларни томоша қилиш.
2. “Кимнинг уйчаси?” таълимий ўйини.
3. Уйни қуриш.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш.
5. Қурилиш билан боғлиқ ўйинларни ташкил этиш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга кичик ўйинчоқлардан иборат бўлган композицияни қўшимча таклиф этиши мумкин (дарахтлар, арчалар, скамейка) бадий сўз билан ифодаб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлаш маҳоратини, майда қўл моторикаларини ва тафаккурини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Оиламиз билан театрда борамиз” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар жамоат жойлари - автобусда, театрда ўзини тутиш қоидаларини биладидлар, шеърларни ифодали ўқишга ўрганадидлар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: автобус атрибутлари, театр безаклари, болалар билан олдиндан тайёрланган пул ва чипталар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қайси театрда боришни режалаштириш.
2. Керакли нарсалар ва жиҳозларни йиғиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ижро: болалар автобусга чиқиб театрда борадидлар. Театрда етиб келиб чипта сотиб оладидлар. Спектаклни томоша қиладидлар.
5. Сюжетли-ролли ўйин муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга спектакль мавзусини мустақил танлашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг дунёқарашини ривожлантириш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш қўникмаларини шакллантириш.

Тил ва нутқ маркази

Сухбат: Менинг уйим

Мақсад: болаларда “Менинг уйим”, “Менинг хонам” тушунчаси шаклланади, ўз уйига нисбатан меҳр ҳисси тарбияланади, ўз оиласида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўладидлар, катта, кенг, шинам, ёруғ ва ҳоказо сўзлар иштирокида тавсифлашни биладидлар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли уй кўринишлари (кўп қаватли, бир қаватли, катта ҳовли) тасвирланган расмлар, ўйинчоқлар, китоблар

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар асосида турли уй кўринишларини кузатиш.
2. “Менинг уйим”, “Менинг хонам” мавзусида болалар ҳикояси.
3. “Менинг хонамда ўйнаймиз” таълимий ўйини.
4. “Хонада тартиб ўрнатамиз” таълимий ўйини.

Қўшимча: “Оила” сюжетли-ролли ўйини. Бадий асарларни ўқиш, мультфильмлар кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг оиласи, уйи ҳақидаги ҳикояларига эътибор бериш, луғат бойлигини бойитиш.

Тил ва нутқ маркази

“Ж” товуши талаффузи

Мақсад: болалар “Ж ” товушини тўғри талаффуз қиладилар, “ Ж”товуши иштирок этган сўзларни айта оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: номланишида “Ж” товуши иштирок этган буюмларнинг расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар боғчасидаги истироҳат боғига саёҳат қилиш, ҳашаротларни кузатиш, “Кўнғиз” ўйинини машқ қилдириш.
2. Расмларни кўриб чиқиш, номланишида “Ж” товуши иштирок этган буюмларни расмлардан топиш.
3. “Ж” товуши иштирок этган сўзлар қатнашган тез айтишларни эшитиш ва ўрганиш.
4. “Ж” товуши бор сўзларни ўйлаб топ “ таълимий ўйини.

Қўшимча: артикуляцион аппаратни ривожлантириш, шовқинли ва шовқинсиз товушларни талаффузда машқ қилдириш, фонематик эшитиш: “Ж” товуши иштирок этган сўзларни аниқлаш.

Эътиборга молик жиҳати: товушни тўғри талаффуз этиш, берилган топшириқларни тўғри ва аниқ бажарилишини назорат қилиш.

Фан ва табиат маркази

Амалий тажриба: Қумнинг хусусиятлари

Мақсад: болалар қумнинг хусусиятлари билан танишишда давом этадилар, хулоса қилишни биладилар, ўтказилган тажриба ҳақида фикр билдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қум, қум қолиплари, патнис, сув.

Фаолиятнинг бориши:

Тажрибалар ўтказиш.

1-амалий тажриба: нам қумдан турли кўринишли шакллар ҳосил қилиш мумкин, қуруқ қумдан эса ҳосил бўлмайди

Қолипларга қуруқ қумни солиш. Шакллар ҳосил бўлдимиди?

Қолипларга нам қумни солиш. Шакллар ҳосил бўлдимиди?

Қайси қумдан шакллар ясаш мумкинлигини аниқлаш.

2-амалий тажриба: нам қумда излар қолади

Болаларга қуруқ қумда кафт изларини қолдиришни таклиф этиш. Излар яхши кўринаяптими? Қум намлантирилади, аралаштирилади, текисланади, сўнгра нам қумда кафтларнинг қизини қолдириш таклиф этилади..Энди из қолдимиди?

Қўшимча: болалар ташаббуси билан лойнинг хусусиятларини таққослаш.

Эътиборга молик жиҳати: гигиена талабларига эътибор бериш.

Санъат маркази

Лой иши: Менинг уйим

Мақсад: болалар катта ҳажмли тасвирларни ярата оладилар, текис деталлардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар хил рангдаги пластилин, доскалар, картондан тайёрланган узун тўғри бурчаклар (том учун); деразалар учун кичик тўғри тўртбурчаклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй расмларини кўриб чиқиш.
2. “Қирқилган расмлар” таълимий ўйин.
3. Схемалардан фойдаланган ҳолда уй ясаш
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча: уйларни қуриш, пазлларни териш.

Эътиборга молик жиҳати: топшириқларни тўғри бажариш. Ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Уй

Мақсад: болалар квадратни диагонал бўйича қирқиб иккита учбурчак ҳосил қилишни, тўғри тўртбурчак ва учбурчакни бирлаштириш орқали уй тасвирини ҳосил қилишни, ҳар бир уйнинг дераза ва эшиклари бўлиши лозимлигини биладилар, қайчи ва елимдан тўғри фойдаланган ҳолда озода ишлай оладилар, ўртоқларига иш жараёнида ёрдам берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ватман қоғози, ҳар хил турдаги тўғри бурчаклар, деразалар учун рангли чизиклар, елим, мўйқалам, қайчи, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй ҳақида суҳбат.
2. “Тасвирла, биз топамиз” таълимий ўйини.
3. Уй тасвирини ҳосил қилиш учун нималар кераклигини аниқлайдилар.
4. Амалий иш.
5. Болалар ишларидан кўргазма ҳосил қилиш.

Қўшимча: шаҳар кўчалари бўйлаб сайр.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоа бўлиб ишлай олишини тарбиялаш, тафаккурни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асосларига риоя қилиш

Санъат маркази

Расм: Севимли уйим

Мақсад: болалар ўз уйлари ҳақида биладилар ва уйлари ҳақида сўзлаб берадилар, ўз уйини расм орқали тасвирлаб берадилар.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: оқ қоғоз варақлари, рангли қаламлар ва расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўз уйи ҳақида суҳбат.
2. Расмларни томоша қилиш.
3. Тасаввур қилиб чизиш.
4. Расмлар кўргазмасини ташкил қилиш ва болаларни рағбатлантириш.
5. Болалар бир-бирларига ўз хоналарини қандай тасаввур этишларини айтиб берадилар.

Қўшимча: видеороликларни кўриб чиқиш, саёҳатлар уюштириш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тафаккурини ривожлантириш, композиция ва рангларни ҳис қилиш, болаларда ўз туғилиб ўсган шаҳрининг чиройи билан завқланиш ҳиссини уйғотиш.